
ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

5-son (2019-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2019

MUNDARIJA

МЕНМОНЛАРИМIZ	7
Шодмон ХАЙИТОВ, Акмал ЮЛДАШЕВ. Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар: тарих ва хозирги замон	7
Бахтиёр НАВРЎЗ-ЗОДА. Бухорони сайёхатлар чорраҳасига айлантиришнинг устувор йўналишлари .9	9
Алишер ОЧИЛОВ. XX асрнинг 30-йиллардаги бухоро воҳасила олиб борилган археологик тадқиқотларга доир айrim муроҳазалар.....	12
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ	15
Зуҳра ИСМАИЛОВА, Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ. Махсус фанларни модуллар асосида ўқитиш -таълим жарабининг яхлит тизими сифатида.....	15
Мансур ЭРГАШОВ, Ситора УМАРОВА. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жарабинига технологик ёндашувга тайёрлашнинг педагогик аҳамияти	23
Матлаб ТИЛАДОВА. Бошлангич таълим жарабини гендер тенглик ва фарқлар асосида ташкил этишининг дидактик асослари	28
Лаура АБДУКАДИРОВА. Теоретический анализ понятия “трудная жизненная ситуация”	33
Раббим ЮСУПОВ, Бекмурод КОДИРОВ. Оммавий очиқ онлайн курслар яратиш ва ундан олий таълим муассасаси ўқув жарабинида фойдаланиш	42
Умида ФАЙЗИЕВА. Ўқувчиларнинг иктисадий билимларини ривожлантиришнинг имкониятлари ..48	48
Шабон ФАРМОНОВА. Лойиҳавий таълимда бўлгуси ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти: шакл ва воситалари	54
Манзура ИРИСБАЕВА. Педагогик технологияларни интеграциялашни такомиллаштириш йўналишлари	59
Nilufar ABDULLAYEVA. Guruhiy o'yinlar kichik yoshdagi maktabi o'quvchilarining diqqatini rivojlantiruvchi vosita sifatida	63
Зебо ТЎХТАЕВА. Олий таълимдада фанлар интеграциясини таъминлашнинг ўқув-методик ва дидактик воситалари	66
Қўёшбек АБДУРАҲИМОВ. Таълим бошкаруви: компетенция ва кадр муаммоси	73
Хуршид НЕКБОЕВ. Иккинчи даражали маълумотларни ўрганиш асосида касбий-танқидий коммуникатив сифатларни такомиллаштириш	78
Umida LATIROVA. Talabalarning ijodiy faolligini rivojlantirishda hissiyot va badiiy-ijodiy chtiyojlarning ahamiyati	81
Гўзал ШАРИПОВА. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг креатив дизайннерлик изходкорлигини шакллантириш	84
Шахноза ОРТИКБОЕВА. О тенденциях использования цифровых технологий в образовании	87
Дилдора КОСИМОВА. Ўқувчиларни маънавий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ўзбек миллӣ мусиқасининг ўзига хос жиҳатлари	91
Феруза ЮЛДОШЕВА, Шонира РАСУЛОВА. Педагогические инновации в современной системе образования	95
Чарос МИРХОЛИҚОВА. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш таълимнинг устувор йўналиши сифатида	100
Маржона ТЎРАҚУЛОВА. Иктидорли талабалар билан ишлашда таълим турлари ва воситаларини танлаш	104
Кумри АЛЛАБЕРДИЕВА. Педагогическое мастерство современного педагога	109
Гулзода БОЙМУРОДОВА. Малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг педагогик асослари	113
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ	118
Мұҳаббат БЕРДИЕВА. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг аклий қобилиятларини ривожлантириша математик билимнинг ўрни	118
Абдукаххор ЮСУПОВ. Мактабгача таълим муассасалари педагог кадрларининг методик компетенцияларини ривожлантириш	123
ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР	127
Роза Ниёзметова. XX аср ўзбек адабиётини ўрганиш зарурятлари	127
Гули ТОИРОВА, Азиза ЗАРИПОВА. Хайрлашиш – нутқий мулокотнинг хотимаси	130
Дилором ШЮДИЕВА. Поиск эффективных методов обучения русскому языку	134
Насибахон НУРМАТОВА. Роль учителей в развитии навыков речи в классах английского языка ...138	138
АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ	144
Сиддик КАҲХОРОВ, Мехринисо АТОЕВА. Физика таълимидада инновацион технологиялар	144



Мансур ЭРГАШЕВ

Бухоро давлат университети кимё кафедраси профессори



Ситора УМАРОВА

Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси ўқитувчиси

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Мақолада бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлашнинг педагогик аҳамияти хусусида фикр юритилган.

Калим сўзлар: таълим, бўлажак ўқитувчи, технологик ёндашув, таълим ресурс, ўкув-тарбия, таълим технологияси.

В статье рассматривается педагогическая значимость подготовки будущих педагогов к технологическому подходу в образовательном процессе.

Ключевые слова: образование, будущий учитель, технологический подход, образовательный ресурс, обучение, образовательная технология.

The article discusses the pedagogical importance of training future teachers to the technological approach in the educational process.

Keywords: education, future teacher, technological approach, educational resource, training, educational technology.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар даврида жамият ҳаётига янгиликларнинг кириб келиши, инсон меҳнатининг такомиллашиши, турмуш тарзининг тобора қулайлашиб яхшиланиб ва янгиланиб боришига бўлган эҳтиёж таълим соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Бутунги кунга келиб таълим соҳасида шу давргача эршилган ютуқларни асраб-авайлаган ҳолда маълум стереотиплардан воз кечини вакти келди. Барча соҳаларда янгиланиш (инновация “Innovation”-ing, янгилик киритиш) давом этаётган бутунги кунда мутахассисларни етиштириш соҳасига ҳам янгилик киритиш таълим жараёнига янгича, технологик ёндашишини тақозо этмоқда. Модернизациялашаётган таълим тизимини эса замонавий аҳборот коммуникация воситаларисиз яратса олмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорида кўрсатилганидек, олий таълим муассасаларини замонавий аҳборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талаabalар, ўқитувчи ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳондаги илгор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш бутунги куннинг долзарб масаласига айланиб ултурган [1]. Карорда белгилантан вазифаларнинг самарали счимини тўлиқ таъминлаш максадида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўкув-илмий лабораториялари, аҳборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш максадида Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “Таълим муассасаларининг моддий-техника ва аҳборот базасини мустаҳкамлаш давом этирилади, ўкув-тарбия жараёни юкори сифатли ўкув адабиётлари ва илгор педагогик технологиялар билан таъминланади”-дейилган [2, 41].

Педагогик тизим - бир бутун, харакатланувчи яхлит ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб: ўкувчи (1), таълим-тарбиянинг мақсади (2), мазмуни (3), ўқув жараёни (4), ўқитувчи ёки техник воситалар (5) ва таълим-тарбиянинг ташкилий шаклларидан (6) тузилади [2, 6].


Таълим-тарбиянинг мақсади объектив характерга эга. У ҳар бир жамиятнинг моддий-маънавий эҳтиёжларидан ҳосил бўлади, ижтимоий буюртма сифатида давлатнинг таълим соҳасидаги меъёрий хужжатларида умумий тарзда ифодаланади. Таълим-тарбиянинг мақсади тизим ҳосил килувчилик хусусиятига эга. Педагогик тизимнинг барча қисмлари таълимнинг мақсадига боғлиқ ва уни рӯёбга чиқаришига хизмат қиласди. Шахсни, мутахассисни шакллантириш мақсади таълимнинг мазмуни (ўқув режаси, ўқув дастури, дарслонлар)ни белгилайди.

Педагогик тизим дидактик вазифа ва таълим технологиясини ўз ичига олади. Таълимнинг мақсади ва мазмуни – дидактик вазифа; дидактик жараён, ўқитувчи ва техник воситалар, таълим шакллари усуслари - таълим технологиясига киради. Педагогик амалиётда дидактик вазифани таълим технологияси ёрдамида ўқувчи, талаба ўзлаштириб олади.


Педагогик тизим таркибида бир элементи, масалан, мақсади ўзгарса, унинг бошқа қисмлари (мазмуни, шакли, жараёни) ҳам ўзгаради.

Кўйида таълим технологиясида таълим жараёни ўзаро таъсир этувчи жараён сифатида намоён бўлади (1-расм). Схематик тузилган ушбу тасвирдан кўриниб турибдики, ўзаро таъсир содир бўлиши ҳам, содир бўлмаслиги ҳам мумкин экан. Ўзаро таъсир содир бўлиши учун унга нисбатан жавоб қайтарилиши зарур. Қайтарилган жавоб орқали таъсир этилаётган шахс ўзини кўйиб кўриш, унинг фаолиятини мақсади, имконияти, методлари, усули, фаолият натижасини олдиндан аниклай билиш ва ўз фаолиятини шуларни хисобга олган холда ташкил эта олиш керак. Ўқитувчи маҳорати ўқувчи қобилиятини ўстириш учун қандай мақсад кўйилishiшини билиши, таълимнинг таркибий қисмларига эътиборни қаратиши ва таълим соҳасида кулаги усул ва методларни танлаши, таълим жараёнида мотив ҳосил килишга эътибор қарата олишида намоён бўлади.

1-расм



5. Ўзаро таъсир механизми қандай?



6. Ўзаро таъсирнинг натижаси?

Таълим технологиясини яхши ўзлаштирилиши ва амалга оширилиши натижасида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз эҳтиёjlари асосида индивидуал дастурлар тузишин ўрганиш билан бирга таълим мазмунининг долзарбэлгига ҳамда педагогик жараённинг натижалилигига эришишлари мумкин.

Ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатлари ўйғулнлиги ҳамда илмий асосланган таълим-тарбия технологияси "Педагогик маҳорат" тушунчасининг асосини ташкил этади.

Демак, педагогик технология – амалиёттага татбик қилиш учун ишлаб чиқилган маълум бир педагогик тизим лойиҳаси бўлиб хисобланади. Бу лойиҳа мукаммал бўлиши учун ҳар бир педагог таълимга технологик ёндашув малакасига эга бўлиши зарур. Фикримизни далиллаш мақсадида кўйидаги маълумотни таҳлил килсан. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида АҚШнинг Гарвард университетида иқтисодий бошқарув фанлари соҳасида "Кейс - стади" ("Case-study" муаммога тўрт босқичда очим излаш ва ўрганилган маълумотни бир "кути"га солиб хуласалаш орқали ўрганиш) методи таълимда ишлаб кўйилди. Ваҳоланки, биз жараёнда сўнгти йилларда таълимда янгилик сифатида кўллай бошладик. Ўқитишининг муаммали технологияси талаба (бўлажак ўқитувчи)нинг билимларни муаммали тарзда ўзлаштириши ва уларни таҳлил қила олиши орқали таълимга технологик ёндашиш кўнникмасини хосил қилишга имкон беради. Бундай методларнинг бир қанчасини давом этириш мумкин: SWOT (strength, weakness, opportunity, threat) таҳлил, ФСМУ, Assesment, Блиц-сўров ва х.к. Агар педагогик технологияни машиналар(курилмалар) воситасида амалга ошириладиган автоматлашган жараён деб тушунтирасак, демак шу жараённинг мазмуни,моҳияти биз юкорида санаб ўтган шакл ва методлар орқали очиб берилади. Шунинг учун ҳам биз ўқитувчи фаолиятида янги технологик ёндашув асосларини ўрганиб чиқишга ҳаракат килдик. М.О. Очилов репродуктив таълимга хос кўйидаги ёндашувни кўрсатиб ўтган [4]:

Таълим ишига технологик ёндашув:

- ўқиш-ўқитиши жараёнини ўзаро узвий боғлиқ этаплар, фазалар, амалларга ажратиш, бўлишин;
- таълим жараёнда мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма - кет, босқичма - босқич амалга ошириш;
- лойиҳалаштирилган ишлар, амалларнинг барчасини бирдек бажаришни назарда тутади.

Биз М.Очиловнинг фикрига кўшилган ҳолда биринчи ўринда таълим жараённи мақсадини аниқлаш лозим, деган хуласага келдик. Чунки аниқ мақсадигина таълим жараёнини ўзаро узвий боғлиқ аниқ босқичлар, тармоқлар, амалларга ажратиш тўғри кечишини таъминлайди. Натижага эришиш учун ҳам аниқ мақсад бўлиши зарур.

Кўйидаги жадвалда биз айтмоқчи бўлаётган анъанавий ва модернизациялашган таълим технологияларининг қиёсий таҳлили акс этган:

2-расм

Анъанавий ўқитиши технологиясига асосланган таълим	Ноанъанавий (модернизациялашган) ўқитиши технологиясига асосланган таълим
<ul style="list-style-type: none"> • бир томонга йўналтирилган аҳборот; <div style="text-align: center;"> </div>	<ul style="list-style-type: none"> • фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олиш; <div style="text-align: center;"> </div>

Ўқувчилардаги қобилят ва лаёқатларни аниклаш, уларга буни кўрсатиш, педагоглик фаолиятига қизиқтириш кўнинмаси талабаларда ўқувчилар билан касбга йўллаш ишларини ташкил этиш жараёнида шаклланади.

Учнинг томондан караганда, ўқувчиларни педагоглик касбига йўллаш орқали уларнинг қобилят ва лаёқатларига караб танлаш ўқитувчилик касбига тайёрлашнинг энг муҳим босқичи хисобланади. Тўртинчи томондан, касбга йўллаш ишларини такомиллаштириш олий ўқув юртларига касбга лаёқатли, тест синовларидан муввафқият билан ўтадиган, касбга тайёрлаш босқичида самарали натижаларга эриша оладиган ва амалий ишда ҳам ўзига хос аҳамиятта эга бўладиган педагогларни этишишига ёрдам беради. Бу ишларни муввафқиятли ҳал этиш учун иккита муҳим вазифани бажариш зарур:

Биринчидан, педагогик лаёқатга эга бўлган ўқувчиларни ўз кучига ишонтириш, уларнинг қобилятларини, имкониятларини янада очиш ёки юзага чиқариш зарур. Педагоглик касбига лаёқатлilarни аниклаш ва тайёрлаш худди бошқа ижодий касблар (масалан, актёр, мусаввир, мусиқачи) каби жуда зарур. Ижодий касбларга лаёқатлilarни танлаш аллакачонлардан бўён аник методика асосида амала оширилади ва касбга оид "истеъод"ни излаш улар учун асосий касбий сифат хисобланади. Лекин ўқитувчilik касбida бу муаммолилигiga колмоқда.

Иккинчи мухим вазифа мактабни битириб, тасодифан педагоглик касбини танлаётган ўқувчиларни бундай йўлдан қайтарни ва уларни тўтири касб танлаш соҳасида ёрдам беришдан иборатдир.

Ўқитувчилик касби ўқувчиларга анча яқин. Чунки улар тўккоз йиллик ёки ўн бир йиллик ўқиши давомида ўқитувчилар билан яқин алоқада бўлишади. Моҳир ўқитувчилар шахси, уларнинг таъсирили нутклари, хатти-харакатлari кўпинча ўқувчиларга намуна бўлиб хизмат килади. Айниқса, илгор педагогик технологияга асосланган дарслар ўқувчиларда катта қизиқиши ўйғотади, чунки бундай дарслар ўқувчиларнинг маълум соҳада кўнинка шаҳарларни билан якунланади. Ўқувчилар ана шу таъсирилар натижасида ҳам педагоглик касбини танлайдилар. Шунинг учун ҳам кўпчилик ўқитувчилик касбини эгаллаш борасида тарғибот ишларини олиб бориши зарурини йўқ, деб хисоблайди. Лекин бу нотўғри фикр.

Педагоглик касби анча мураккаб бўлиб, уни факат ўқитувчига тақлидан танлаш етариш эмас. Ҳар бир ёш бу касбни танлашдан ташкари ўзининг қобиляти, лаёқати ва имкониятларини синааб кўриши ва шундан кейингина шу касбни танлаши зарур, акс холда у янгилишади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар олдига ўқитувчилик касбининг қизиқарлилиги, мураккаблиги ва айнан муаммоли томонларини очиб кўрсатиш ҳамда бу касб эгаларидан фидойиликни, чукур билим ва маҳоратни, болаларнинг нозик олами билан мулокот кила билишини талаб этишини кўрсатиш лозим. Шу йўл билан ўқувчida ўқитувчилик касбининг мазмуни ва унинг хилма-хил шаклларини кўрсатиб, мотивларни ривожлантиришга алоҳида ўзигибор каратиди. Иккинчидан, бундай ишлар талабаларнинг касбга тайёрланишларида муҳим аҳамиятта эга. Чунки улар ўқувчилар билан яқинлашиш, уларга ўз таъсириларини ўтказиши оркали касб маҳоратлари ошиб борди. Бундай тажрибалар ўзининг кутилган натижасини берди. Кўпгина ўқувчиларнинг педагоглик касби ҳақидаги тасаввурлари кенгайди ва унга нисбатан қизикиши ортди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўтирисида"ти қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, ПҚ-2909 сон. Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель.
2. Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури. //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. Б. 31-61.
3. Беспалко В.П. Слагаемые педагогической технологии. –Москва: Педагогика, 1989. - 190 б.
4. Сайдахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: Ўз МУ. 2003. - 66 б.
5. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф. 2000. - 80 б.
6. Олимов Қ.Т., Сайдахмедова М.С., Жалолова Д. Ф., Бозорова М. Қ., Болтаева М.Л., Алимов А. А. Педагогик технологиилар. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011. – 214 б.